Номзодлар

# ҲАЁТ САБОҚНОМАСИ

***Дунёи дунда инсон ақли бовар қилмайдиган мўъжизалар жуда сероб. Деярли ҳар куни: «Ёшим шунчага кириб, шуни билмабман-да» деган ҳайратомуз сўзларга дуч келамиз. Аслини олганда ҳар битта инсоннинг умри биттадан мўъжизанинг хазинаси бўлса ажаб эмас.***

Абдулла Қодирий номли Республика Давлат мукофотига тақдим этилган ижодкорлар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг номи ҳам борлиги адабиёт мухлисларини, адибнинг ихлосмандларини шод этгани шубҳасиз.

Гоҳ-гоҳида ўйлаб қолади киши: Неъмат Аминов сатирик адибми? Ҳеч иккиланмай «Ҳа, шундай деймиз». Лекин унинг «Бир аср ҳикояти» жажжи ҳаётий наќллар китоби адибнинг оппоқ кўнгил булоғидан қайнаб чиққан биллур томчилар, ажойиб йирик қатралар дегим келади.

Халқимизда «Ҳизр кимлиги Оллоҳга аён, ё сен ё мен» деган ҳикмат бор. «Бир аср ҳикояти» китобини ўқиб чиқиб бунга яна бир бор амин бўлдим.

Ушбу китоб нимаси билан қимматли? Аввало ибрати билан. Юз йил яшаган, ҳаётнинг пасту баландини кўрган, бутун умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган темирчининг донишмандона фикрлари, ўгитлари чини билан ҳам тиллолардир. «Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» деб ёзади Рудакий. Неъмат Аминовнинг китоби ҳаёт таълимларидан иборат сабоқномадир.

Адиб китобнинг муқаддимасида ёзади: «Ушбу китобчани сизга тақдим этишдан мурод ул зотни буюк аллома ёки донишманд қилиб кўрсатиш эмас, балки оддий, тақводор темирчининг бир асрлик умр лавҳалари мисолида тарихий қисматига яна бир назар ташлашдир». Кўриниб турибдики, адибнинг мақсади оддий ва олий...




Китобга кирган лавҳаларнинг қаҳрамони битта темирчи уста Амин Нуруллабой ўғли. Унинг ҳар бир ибратли ҳикоятида чуқур мазмун бор. Эътибор беринг-а:

◆ Тўқсон олтига кирдим. Кўзим хира, қулоғим эшитмайди, оёқларимда мадор йўқ. Билмадим, бир куни қарисам, нима бўларкан-ман?

◆ Бу дунёга келиб уч нарсадан ҳазар қилдим:

биринчиси — тилло, иккинчиси — милтиғу тўппонча, учинчиси — қадаҳ. Шу уччаласини қўлимга олмадим.

◆ Тавба. Тиш бўлганда гўшт бўлмаса, гўшт бўлганда — тиш.

◆ Ҳаво булут бўлса икки киши гуноҳкор бўларкан. Чунки биттаси: «ёмғир ёғади» деса иккинчиси: «йўқ, ёмғир ёғмайди» дейди. Гумроҳ бандаларда, «худо билади» десаку бас.

Китобдаги охирги лутф ҳар жиҳатдан ибратлидир. «Узоқ яшадим, беармон яшадим. Лекин бир мақолни айтайми? Яшашдан тўймас экан киши. Зеро, яшашдан тўйиш Оллоҳнинг зикрини айтишдан тўхталиш эмасми. Яхши кўрган бандаси қанча кўп яшаса Оллоҳга шунча кўп сиғинган бўлади.

Кўп яшанглар, болаларим».

Шарқда талайгина ҳикматли китоблар бор. «Латофатнома», «Нодир воқеалар» сингари китобларда муаллифлар ибратли воқеаларни қаламга олганлар. Неъмат Аминовнинг китоби ҳам ўзига хослиги билан шундай китоблар қаторида туради.

Неъмат Аминовнинг ҳар бир китоби адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлган. Адиб бу сафар ҳам шу анъанага содиқ қолди: «Бир аср ҳикояти» сал кунда қўлма-қўл бўлиб кетди. Тилга тушди.

Яхши китоб ҳамиша ўз ўқувчисини топади, адибни миннатдорчилик туйғуларига сазовор қилади. Яъни ёзувчи ўз меҳнатининг мевасини кўради. «Тиллоси»ни топади. «Бир аср ҳикояти» халқимизнинг юксак маънавий камолотини, беқиёс қаноатини, таърифсиз донишмандлигини, меҳнатсеварлиги, камсуқумлигини кўз-кўзловчи асар сифатида ҳамиша дилимиз тўрида, уйимиз тўрида турадиган китобдир.

*Темур УБАЙДУЛЛО.*

Журналистлар сайли

# ҲАММАГА ТАТИГАН ТАДБИР

***Ўтган шанба куни шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек боғида яна бир байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Мустақилликнинг 6 йиллигига бағишлаб пойтахт қалам аҳли учун уюштирилган ушбу тадбир кўп сонли муштарийларнинг ҳам байрамига айланди.***

Эрта тонгдаёқ янграган карнай-сурнай садолари барчани боғнинг сўлим қучоғига чорлади. Меҳмонлар орасида турли соҳа вакиллари бор: маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, спорт ишқибозлари — ишқилиб барчани бунда фақат бир восита — матбуот ва унинг заҳматкаш ходимлари шодиёнаси жам этмоқда. Сайил баҳонасида ижодкорларга биз оғиз илиқ сўз айтиш ёки қандайдир янги мавзу бўйича ўз таклифларини билдириш учун келган мухлислар билан учрашсанг хурсанд бўлиб кетасан киши. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти доимо одамлар нигоҳи, эътиборида эканлиги айниқса қувонарли. Кейинги пайтларда «матбуот» сўзи билан ёнма-ён «тўртинчи ҳокимият» ибораси тобора тез-тез тилга олиняпти. Бу эътироф ҳам журналистларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири Эркин Эрназаров тадбирни очиб, пойтахт журналистларининг Мустақиллик кунини муносиб кутиб олиш учун бугунги шарафли ва масъулиятли вазифалари ҳақида сўзлади. Туман ҳокимликлари ва пойтахт жамоатчилиги вакиллари ижодкорларни касб байрамлари билан табрикладилар. Байрам муносабати билан журналистларнинг катта гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

Биз сайил қатнашчилари билан суҳбатлашдик:

**• Абдуқаҳҳор ТЎХТАЕВ, Шайхонтоҳур тумани ҳокими:**

— Ҳозирги тезкор давримизни оммавий ахборот воситалари, газетасиз тасаввур этиш мумкинми? Асло! Иш кунимиз кўпинча кундалик газеталарни варақлашдан бошланади. Бир кун ичида Тошкентдек шаҳри азим пойтахтда қанча тадбир, воқеалар юз беради! Севимли «Оқшом» газеталаримиз, «Тошкент» радиоси ижодкорларининг давр руҳига мос фаолиятлари ҳаммамизни қувонтиради. Журналист ким? У аввало бугунги куннинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор, сиз билан исталган мавзуда қизиқарли суҳбат қура оладиган етук, зиёли инсон, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам туманимизнинг матбуотда ёритилаётган «қиёфаси»ни доимо қизиқиш билан кузатиб борамиз. Яқинда қабул қилинган қонунлар журналистларга кенг йўл очиш билан бирга катта масъулият ҳам юклади. Бинобарин, энди биз матбуотда чиқадиган асосли танқидлардан асло ранжимаслигимиз керак. Чунки матбуотдаги танқидий мақолалар бизни ҳушёрлик, фаолликка ундайди.

**• Бекмурод САФАРОВ, меҳнат фахрийси:**

— «Оқшом»нинг ўттиз йиллик муштарийсиман. Биласизми, бундай «дард»нинг белгилари қандай бўлишини? Газетанинг бирорта сонини олмасам, қандайдир зарур нарсамни йўқотгандай бўлавераман. Ишонасизми, «Оқшом» ходимларининг кўпчилиги билан юзма-юз кўришмаган бўлсам-да, лекин ҳаммаларини ғойибона танийман. Ҳа, ҳа, ишонаверинг болам, ҳатто журналистларнинг ёзган мақолаларини ўқийвериб, ҳар бирларининг феъл-атвор, қизиқиш доираларини ҳам билиб олиш мумкин. Шундай сўлим боғда газета ходимлари билан юзма-юз учрашаётганимиздан хурсандмиз. Ҳали сизларга айтадиган тилакларимиз кўп, ижодингизга барака берсин!..

Ўша куни Мирзо Улуғбек боғидаги сайил узоқ давом этди. Хурсандчиликнинг чеки йўқ: турли соҳа вакиллари саҳнага чиқиб, севимли газета ёки радиодаги эшиттиришларнинг номларини алоҳида таъкидлаб, ўзларининг самимий эҳтиромларини билдирдилар. Таниқли хонанда Азим Муллахонов бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи байрам аҳлининг хизматида бўлди. Хонанда Марям Тангрибердиеванинг қўшиқлари манзур бўлди. Шуни айтиш керакки, сайил ташкилотчилари бу ерга келган барча ёшдаги меҳмонларнинг қизиқишларига мос тадбирлар уюштиргандилар. Боғдаги барча ўйин қурилмалари, арғимчоқлар журналистлар фарзандлари учун бепул хизмат кўрсатди.

Журналистлар гурунги қизиқ. Сўз усталарининг давраси зерикарли бўлиши мумкинми ахир? Боғда, сокин гўшада, бир пиёла чой устидаги суҳбатлар кулгу-қаҳқаҳалар билан бўлиниб турди. Бунда айтиш керакки, ижодкорлар дам олиш эмас, балки ёзилажак мақолалар учун ҳам «материал» йиғдилар.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек боғидаги журналистлар сайлидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*















Одобнома

# ГУЛЧАМБАР

***Оила гулчамбарга ўхшайди. Гулчамбардаги гуллар дона-дона бўлиб турганидек, оила аъзолари ҳам ҳар хил табиатли. Бироқ уларни бир-бирларига боғлаб турадиган ип — фарзанддир. Фарзандни эса дунёга келган кунидан бошлаб авайлаб парвариш қилинади. У вояга етгач, ширин тили чиққач сўзларини эшитиб ота-оналарнинг қувончлари чексиз бўлади.***

Фарзанд — дилбандим, бахтим, қувончим деб бежиз эркаламаймиз. Аммо фарзанд ақлини таниб, ота-она ҳурматини жойига қўйиши унинг тарбиясига боғлиқ. Биз тарбия бераётган фарзандларимизни ҳар дақиқа ҳалолликка, покликка, меҳр-шафқатга ўргатиб бормоғимиз лозим. Муҳаббатли, андишали қилиб тарбия бериб борсак, бу фарзандимиздан ёмонлик кўрмаймиз. Айниқса ёш мурғак қалбларига қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини боғлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишни ўз ҳаёт сабоқларимизда кўрсатиб бормоғимиз лозим. Халқимиз, «Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра» деб бежиз айтмаган.

Камтарлик ҳам бир хислат. Уни болаликдан фарзанд қалбига жо қилиб борсак, қарилик фароғатда ўтади, албатта. Авлодимиз давомчиларини диёнатли, ориятли, тавозели ва ўз бурчини ҳалол ўташ ҳисси билан тарбия топган фарзандларни ватанимиз равнақи йўлида камолга етказишимиз — қалбимиз амри бўлмоғи керак.

Шарқ табобат илмининг намояндалари, ота-боболаримиз она сутининг сеҳри нималарга қодир эканлиги, ажиб шифоси ҳақида кўп асарларда ёзиб қолдирганлар. Она сути билан боқилган бола мурувватли, меҳрибон бўлиб ўсар экан. Оналаримиз қизлар вояга етаётганида у қизи учун зарур юмушлар, қўл ҳунарлари, бола тарбияси, дастурхон тузаш, муомала маданиятини, кир ювиш, нонга хамир қориш, тандирга олов ёқиб уни ёпиш каби зарур юмушларни ўргатиб борганлар. Бир хонадонга бешик ясатиб тўй қилишса, қиз болалар учун жажжи бешикча ҳам олиб келишган. Болаларни ёшлигидан оила, бола тарбиясига ўргатиб келганлар.

Ўғил болалар эса ўтин ёриш, мол, қўй боқиш, ариқ олиш, экин экиш, отда юриш, сузиш каби зарур юмушларни оталари қаторида юриб ўзлаштирганлар.

Замонамиз турмуш маданияти ўзгарди, шаҳарда яшайдиган ёшлар учун оғир меҳнат қилишга зарурат йўқдек. Лекин фарзандларимиз ҳунар ўрганишни касб танлаш, мустақил ҳаётни меҳнат эвазига, касб эвазига эгаллашга ошиқмаяптилар. Ёшлар — йигит-қизлар савдо-сотиқ, олиб сотиш, бизнес деб ёш умрларини беҳуда сарф қилмоқдалар. Ваҳоланки Ватанимизнинг келажаги, равнақи учун ўқимишли, билимдон, тил биладиган, иқтисодий билимларни пухта эгаллаган, касбини дунёга кўз-кўз қиладиган, кўп йиллар давомида янги-янги режалар асосида иш юритадиган билимли ёшлар ниҳоятда зарур.

Фахр билан шу нарсани таъкидлаш лозимки, Президентимиз Фармонига биноан иқтидорли болаларни танловлардан ўтказиб чет элларда илм олишга юбориш юксалишимизнинг буюк омилидир. Чунки хорижга чиққан ҳар бир ўзбекистонлик мамлакатимизнинг юзи саналади.

Ҳар бир миллат бошқа миллатдан ўрганиши ёки ўргатиши лозим. Шоир Рудакий ёзганларидек «Одамдан юқори тураркан олам, билим оширмоққа муҳтождир одам».

Фарзандларимизнинг билимли, одобли, меҳнатсевар бўлиб вояга етишиши учун биз ота-оналар энг биринчи мураббий эканлигимизни унутмайлик.

*Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА,*
*фалсафа фанлари номзоди,*
*доцент.*

Назм

## ЯХШИ

*Хулқи хуш, оразу гул дилбару дилдор яхши,*
*Меҳрибон фарзандлару суюкли нигор яхши.*

*Бир кун туз ичган ерга қирқ кун айла салом,*
*Яхшиликни доимо айласанг шиор яхши.*

*Диёнату инсофни унутма ҳаргиз, эй дўст,*
*Ғафлат босмай яшасанг уйғоқу бедор яхши.*

*Суҳбатингдан одамлар кўнгли синмасин ранжиб,*
*Йўлларингга кўз тикиб бўлса интизор яхши.*

*Муродий шаҳри Шошда яшаб ўтмоқда ҳаргиз,*
*Омон бўл, Ўзбекистон, сен дилбар диёр яхши.*

## ДЕРМАН

*Қулоқ тут, эй фарзандим бир неча калом дерман:*
*Энг аввало саҳарда қуёшга салом дерман.*

*Пасту баландни кўрдим олтмиш икки ёшимда,*
*Яшадим ширин сўзлаб субҳ ила шом дерман.*

*Ҳаётнинг фалсафаси — етмоқ инсон қадрига,*
*Бир лаҳза унутсанг гар, тоатинг тамом дерман.*

*Яхши ном қолдир азизим, шунга интил ҳамиша,*
*Муродингга етгунча ҳеч билма ором дерман.*

## БЎЛСИН

*Тонг отарда ҳар кимнинг қулфу дили шод бўлсин,*
*Хуш кайфият кун бўйи унга қўшқанот бўлсин.*

*Манглайдан тўк терингни суйгил онаерингни,*
*Арит ғафлат — шўрингни, меҳнатда барбод бўлсин.*

*Меҳр ила оқибат қил, ҳасаднинг тиканин юл,*
*Ҳар дамда фарах ила кўнгиллар обод бўлсин.*

*Ҳар кун бир иш қил савоб, бўлмас жигаринг кабоб,*
*Беролмай жаҳолат тоб, топгани фарёд бўлсин.*

*Яхшиларнинг суҳбати, эрур жонинг роҳати,*
*Муродийнинг номи ҳам давраларда ёд бўлсин.*

*Тўхтамурод ФАЙЗУЛЛО.*

Таътил

## ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИ

***Бўстонлиқ туманининг хушманзара тоғлари орасида «Ўзулгуржибиржасавдо» бирлашмасига қарашли «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи (БСО) жойлашган.***

— Бу йил оромгоҳимизда, — дейди БСО бошлиғи Аъзам Ҳолмуҳамедов, — ёз мобайнида 8 та гуруҳларда жами 750—800 та болалар дам олишади.

Бу ерда болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар ва қулайликлар мавжуд.

Дам олувчилар учун қизиқарли ўйинлар ва дам олиш тадбирларини режалаштириш ва ташкил этишда бош тарбиячи Шоира Турсунова бош-қош бўлмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Эртаклар оламида», «Қувноқ стартлар», «Олимпиада» ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб турилмоқда.

— Мен ушбу оромгоҳда учинчи марта дам олаяпман, — дейди учинчи гуруҳ аъзоси Сарвар Максудов. — Зерикиш нималигини билмаяпман. Катта қизиқиш билан «Ёш мухбир» тўгарагига қатнаб тураман. Оромгоҳимизда бешта тўгаракларга болалар фаол қатнашадилар. Тарбиячилар ва гуруҳ етакчилари бизга ғамхўрлик кўрсатишяпти. Муқаддас Комилова, Гулноза Тўрахўжаева, Аъзамат Қудратов, Баҳром Исаев ва бошқа ўсмирлар ҳам «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи тўғрисида шу каби илиқ фикрларни билдиришди.

*Усмон УСМОНОВ.*

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

